



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Доцент

Малака ошириш факультетига қарашли "Ички касалликлар №1" кафедраси

Катта ўқитувчи

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли "Ҳамширалик иши" кафедраси

Ассистентлар

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Одам анатомияси ва ОЖТА" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Гистология ва тиббий биология" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Юкумли ва болалар юкумли касалликлари" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Психиатрия ва наркология" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Онкология, нур диагностикаси ва терапия" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Ички касалликлар №3" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли

"Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожаррохлик №2" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Ички касалликлар пропедевтикаси" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Факультет ва госпитал терапия №1" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Факультет ва госпитал жаррохлик №1" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Отолорингология ва стоматология" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Анестезиология ва реаниматология" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Урология" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Хирургик касалликлар" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Акушер гинекология №2" кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли "Акушер гинекология №1" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Ички касалликлар №3" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли

"Хужжатларни қабул қилиш эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

Ёшлар – келажак бунёдкорлари

"Бугун сизларнинг қалбингиз, юрагингиздаги ўй-фикрларингиз, мақсад-муддаоларингиз, керак бўлса, ушалмай турган ниятлар билан яқиндан танишиш, шу асосда ёшлар сиёсати бўйича олиб бораётган ишларимизни танқидий баҳолаб, тегишли қарорлар қабул қилишни мен ўз фаолиятим учун ғоят муҳим деб ҳисоблайман".

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги маърузасидан.

Бугунги кун ёшлари ҳар томонлама илғор, ташаббускор, ўз фикрига эга келажак бунёдкорларидир.

Давлатимиз сиёсати бугунги кунда ёшларга кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Ўзбекистон ёшларини бир мақсад остида жипслаштириш воқеасидир.

Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти ташкил топди.

Ўқувчиларнинг ташаббуси ва фаоллиги остида ёшлар иттифоқининг сардор ва етакчилари сайланди ва тасдиқланди. Ўқувчилар очиқ овоз бериш йўли билан Маънавий-маърифий ва

ахлоқий ишлар йўналиши, Ёшларнинг тадбиркорлигини ривожлантириш ва Ижтимоий Ҳимоя йўналиши, спорт, соғломлаштириш ва ҳарбий ватанпарварлик, прессклуб етакчиси, ёшларнинг ташаббускори, ижодий ва интеллектуал қобилиятларини кўллаб-қувватлаш йўналиши етакчилари сайланди.

Бугунги кун ёшлари ҳар жабҳада фаол, интеллектуал, салоҳияти юқори, тежорлик билан жамиятга қадам кўяётган келажак бунёдкорларидир.

Ўқувчилар "Мард ўғлон" Давлат мукофоти таъсис этилиши, "Келажак бунёдкори" медалининг ёшларга берилиши ҳақидаги фармон ва қарорларга катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Шу мукофотларга муносиб номзод

бўлиш учун бир ёқадан бош чиқариб, Ёшлар иттифоқининг муносиб аъзоси бўлишни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйдилар.

Ёшларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзлигини англаш, Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик ҳиссини қарор топтириш ва ўқувчи-ёшларимизни мафкуравий таҳдиддан асраш, интеллектуал ижодий салоҳиятини ошириш келажак бунёдкорларининг асосий вазифасидир.

Н.ҲАКИМОВА,
ТТА қошидаги академик лицейи Ёшлар иттифоқи етакчиси

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOBOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirova, D. Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади

Topshirish vaqti: 14.00



ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли профессор-ўқитувчилар, қадрли устозлар!
Сизларни яқинлашиб келаятган ўқитувчи ва мураббийлар кун билан чин дилдан самимий муборакбод этаман.

Айтиш жоизки, Тошкент Тиббиёт академияси илмий, ташкилий ва бошқа жараёнларда кўлаги киритилаётган ютуқларни устозлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг меҳнатдаги, илмий-ижодий излашдаги ва ўқув жараёнидаги фидойилигини ҳамisha юксак қадрлаймиз. Билимли, зукко, ҳар томонлама ўрнат олса арзийдиган талабаларимиз сафи йил сайин ортиб бораётганлиги бизни қувонтиради.

Сизларнинг илму урфон йўлидаги доно ўғитларингиз, ақлу тафаккурни чархлаб, етук мутахассис бўлишга ундайдиган салоҳиятингиз ва бераётган билимингиз ҳар қандай таҳсинга сазовордир...

Қадрли устоз-мураббийлар, Сизларни барчангизни касб байрамингиз билан яна бир бор қутлайман. Сизларга мустақкам соғлиқ, гўзаллик, оилавий бахт, хонадонингизга файзу барака тилайман. Илмий ва ижодий фаолиятингизда, ўқишларингизда улкан ютуқ ва омад ёр бўлсин.

Л.ГУЙЧИЕВ,

Тошкент Тиббиёт академияси ректори

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Бундан роппа-роса йигирма олти йил муқаддам Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг атоқли фарзанди Ислам Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилган эди.

Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган барча оламшумул ютуқ ва марраларни мамлакатимизнинг Биринчи Президенти номи ва фаолияти билан боғлайди. Ислам Каримов бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлмиш ёшларнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини бутунлай ўзгартириб, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишнинг янги принципаал тизимини яратиб, уни ҳаётга жорий этишга бевосита раҳбарлик қилди.

...2017 йил. 31 август. Биринчи Президентимиз кўп йиллар давомида фаолият олиб борган Тошкент шаҳридаги Оқсарой қароргоҳи, унга туташ кўркам майдон ва хиёбон. Мусаффо осмон, маҳзун мусиқа садолари остида давлатимиз байроғи ҳилпирайди.

Бу ерга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қарамоқлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, талаба-ёшлар, юртимиздаги

миллий маданият марказлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллари Ислам Каримов ҳайкали очилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этиш учун жам бўлган.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Шавкат Мирзиёев ва Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова Ислам Каримов ҳайкалининг очди. Буюк Юртбошимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Биринчи Президентимиз бошлаб берган кенг кўламли ислохотлар бугун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида изчил давом эттирилмоқда.


Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги Қарори халқимизнинг ўзининг буюк фарзандига чексиз ҳурмат ва садоқатининг амалий ифодаси бўлди.

Қарорда кўзда тутилганидек, Биринчи Президентимиз номи абадийлаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда)



Кўнгил чапмасининг оби равони,
Муҳаббат аҳлининг лабдаги жони.



ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрига бир неча бор ташриф буюриб, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Ислом Каримов дафн этилган жойда барпо этилаётган ёдгорлик мажмуаси лойиҳаси билан танишиб, уни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги “Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални

яратиш бўйича халқаро ижодий танловни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан Буюк Йўлбошчимиз ҳайкалини яратиш бўйича халқаро ижодий танлов эълон қилинган эди.

Танлов натижаларига кўра, ҳайкалтарош, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, Ўзбекистон санъат арбоби Илҳом Жабборов яратган ҳайкал голиб деб топилди.

Маросимда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Ш.Каримов, Ўзбекистон халқ артисти Г.Мельникова, Тошкент шаҳридаги “Чилонзор” маҳалла

фуқаролар йиғини раиси О.Муталов, ФИФА рефериси, “Буюк хизматлари учун” ва “Эл-юрт хурмати” орденлари соҳиби Р.Эрматов, Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова Ислом Абдуғаниевич Каримов ўз халқини чексиз муҳаббат билан севгани, умрининг сўнгги кунларига қадар бутун ҳаётини Ўзбекистонга хизмат қилишга бағишлагани, унинг сўнмас хотираси миннатдор юртдошларимизнинг, бутун халқимизнинг қалбига абадий сақланиб қолишини таъкидлади.

Ў.А

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

Мана, 21 йилдирки, юртимизда қутлуғ сана – 1 октябрь кунини умумхалқ байрами сифатида катта тантана билан кенг нишонлаш яхши бир анъанага айланган. Шу кунни ўқувчилар муаллимларига алоҳида эҳтиром кўрсатадилар, меҳру муҳаббатларини намойиш этадилар. Чунки бу байрам улар учун энг азиз, энг меҳрибон инсонларнинг байрами-да.

Ўқитувчилик катта, энг мураккаб санъатдир. Ушбу касбни эгаллаган шахсда аввало инсонийлик, фидойилик ва ватанпарварликдек муқаддас туйғу қарор топади. У инсонни тарбиялаб, вояга етказиши, ҳаётига мазмун олиб кириб қомиллик сари йўналтиради. Бу касб ҳаётнинг оқ ва қора ранглари яхши фарқлашга ўргатади. Маънавий-ахлоқий дунёқарашнинг бойишига, фикрнинг тоза ва мусоффо бўлишига, руҳиятдан соғлом бўлишга имкон яратади. Хокисорлик, камтарлик, борига қаноат қилиш каби хислатларни тарбиялайди. Бошланғич таълим ўқитувчиси мактабда ёш, нозик ниҳолларни тарбиялайди. Агар нозик ниҳоллар яхши ўтказилиб, тўғри тарбияланса, соғлом уни-ўсса, уларнинг кейинги тараққиёти ҳам самарали бўлади.

Олий ўқув юртларида ўқийдиган ёшларимизни эса касбга тайёрлаш, уларнинг маънавий дунёсини янада бойитиш эса шу олий ўқув юртлари педагог-ўқитувчиларидан чуқур масъулиятни талаб этади. Ҳозирда талабаларга турли-туман билимлар тўпланадиган объект, яъни фақат билимдон мутахассис деб эмас, балки, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан баркамол фазилатларни ўзлаштирувчи инсон деб қаралади. Жамиятимиз тараққиёти, иқтисодий ривожланиши тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари олдига ҳам юқоридаги мақсадларни амалга оширишда бир қатор вазифаларни бажаришни кўймоқда. Жумладан, кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурининг қабул қилиниши, олий таълим тизимидagi икки этапни йўналиш (бакалаврият ва магистратура) талаблари, “Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар Давлат Дастури”нинг вазифалари ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар бунинг намунаси. Юқоридагиларга кўра олий таълим олган мутахассис фақат чуқур билимларга эга бўлибгина қолмай, балки, ишчи, хизматчилар жамоасини ташкил этишни ва бошқаришни, замонавий технологияларни билиши, ўз меҳнат фаолияти мобайнида корхона ёки ишлаб чиқариш бирилари, тадқиқот институтларида амалий муаммоларни ҳал эта билишни ўрганишни давр тақозо этади. Зотан, таълим-тарбия тизимини тубдан ислох қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш ҳозирги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги, олий тиббий таълим сифатини яхшилашга эришишда, давлатимиз талабига жавоб берувчи юқори малакали умумий амалиёт шифокорларини тайёрлашда тиббиёт олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг роли ва масъулияти

қанчалик юқори эканлиги – мустақиллик берган имкониятнинг эътирофи ҳисобланади.

“Ўқитиш – икки баробар ўқиш демакдир,” деганди алломалардан бири.

Демак, педагогларнинг ўзи кўпроқ ўқиши, ўрганиши керак. Шунда уларга талабалар ишонади, ўрнак олади, уларга эргашади. Ўрнак олиш натижасида яхшиликлар кўпаяди, палак ёзади, эзгу ибратлар эса ҳаммаша инсониятга фойдали хизмат қилиб келган. Ўқитувчининг ақли билан қалби мувозанатда бўлмоғи керак. Устоз бўлиш учун ҳам бир қатор талаб ва қоидаларга амал қилмоқ лозим. Чунончи, мавлоно Содиқ Қошқарий (15 аср) “Одобия” асарига устоз бўлишнинг 400 дан ортиқ қоидаларини баён қилган.

Ҳар бир шогирдининг ўз ҳаётида қозонган бахти, иқболли ва эл қошидаги ҳурматида унга таълим берган устозларнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Ана шундай ардоқли, ўз касбининг фидойи эгалари бўлган мўътабар устозлар, тиббиёт илмининг етуқ олимлари Тошкент Тиббиёт академиясида ҳам жуда кўплаб топилди. Булар: ЎзФАнинг академикалари: Ш.Каримов, Т.Даминов, профессорлар: А.Аляев, А.Гадаев, Н.Насриддинова, Т.Бобомуратов, О.Тешаев, М.Аҳмедов ва бошқа ўнлаб устозлар....

Зотан, ҳассос шоиримиз А.Ориповнинг куйидаги сатрлари ҳам бежиз ёзилмагандек:

Муаллим ҳақида сўзим ушбундир:
Муаллим камолот ичра кўзгудир.
Рост айтсам, ўзингсан энг аввал даҳо,
Сен ҳаёт ганжида дурри бебаҳо....

Мамлакатимизда ҳар йили зўр кўтаринкилик ва тантанали руҳда нишонланадиган инсон руҳининг “инженерлари” деб аталмиш шарафли касб эгаси – устозлар байрами ҳам бунинг эътирофи демак...

Биз ҳам Тошкент Тиббиёт академиясининг барча профессор-ўқитувчиларини 1 октябрь – “Мураббийлар ва ўқитувчилар кунини” билан самимий қутлаб, уларнинг энг шарафли, шу билан бирга ўта масъулиятли ва машаққатли ишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз! Юзидан нур ёғилувчи азиз устозлар, доимо саломат бўлинг, эътиромимиз, ҳурматимиз сизга, фидойи, қадрли устозлар!

Шоира ҚОДИРОВА,
тиббий педагогика факультети катта ўқитувчиси

МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Ҳаммамизга маълумки, Республикаимизда ёшларга бўлган эътибор жуда баланд. Уларни соғлом руҳда тарбиялаш шу куннинг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Шу муносабат билан ёшларимиз онги ва тафаккурида юксак инсоний фазилатларни камол топтиришда жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, ёшларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш – бугунги кунда давлат аҳамиятига эга бўлган долзарб масалалардан биридир.

Мазкур вазифалар ўзагида ҳаёт уммининг бошланғич жилғалари бўлган оила тизими негизларини ёшларга тушунтириш, уни мустаҳкамлаш, ҳар бир инсоннинг но-дирлигини ҳис этиш ва ҳурмат қилиш, унинг ҳаёти ва манфаатини ҳимоялаш, ёшларимизни қадриятларимизга садоқатлик руҳида тарбиялаш каби эзгу ҳолатлар ётади.

Замон талабларига жавоб берадиган қадимий анъана ва қадриятларимизни ҳаётимизга янада чуқурроқ синдириш ҳамда бундай интилишларни маънавий-маърифий тадбирлар орқали кенг тарғиб қилиш, халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар ва замонавий демократик тамойилларга таянган ҳолда давлат ва жамиятимизнинг инсонга бўлган муносабат ва эътиборини ёшлар онига етказиш ҳам ҳозирги куннинг муҳим тамойилларидан биридир.

Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси оила тизимини, қомил инсон истиқболини кўзлайдиган тадбирларни уюштириши мақсадга мувофиқдир. Ўтказиладиган маърифат-маънавият тадбирларимиз орқали

ёшларимиз орасида бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат, ўзаро тотувлик, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтиришга, ҳар бир ёш ўзини жамиятдаги юклагаси ва ўрнини аниқлаб олишга маънавий жиҳатдан тайёрлашга, ёшларимизни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш учун маълум маънода замин яратишга хизмат қилади.

Ёшларимизни маънавий тарбиялаши-мизда аввалам бор “маънавият ўзи нима?”, – деган саволга жавоб бермоғимиз лозим.

Маънавият – бу, гул экишдан то шаҳар қуришгача, Ватан ҳимоясига яраш, миллий орият, муҳаббат, оталик, оналик, ака-укалик, эрлик, аёллик илми, рўзғор тебратиш сири, куй тинглай олиш, тасвирий санъатни ўқий билиш, фуқаролик масъулияти, тарих қошидаги қарздорлик, ота-буваларимиздан қолган ақидаларимизни фарзандларга ҳам эсон-омон етказишдир. Унинг бошқача номи яшаш илми, инсон бўлиш илмидир. Илм деганини мисқолаб, бобма-боб ўрганадилар. Биз табиийки, кўпроқ аниқ фанларни муту-

лаа қиламиз, касбга ўқиймиз, аммо кўпинча одамийлик илмини чеклаб ўтаемиз, бу эса кечирилмас хатодир. Бу камчилигимиз эса, кўп ҳолатларда айнақса оилада, ўзаро муносабатларимизда, кўйинчи, бутун ҳаётимизда ўз таъсирини, ўз асоратини кўрсатиб турибди: лоақал бешта бобокалонларимизнинг номларини шариллатиб санай олмаимиз, “Шошмақом” куйларини бир-бирдан ажрата олмаимиз, ҳатто ёшларимиз рўзғор деган муқаддас тушунчани англамай туриб оила қураптилар...

Демак, одамийлик илмини ўрганиш вақти аллақачонлар етиб келди. Шу маънода ёшларимиз ўртасида миллий қадриятларимиз, инсоний фазилатлар, оила ва жамият ҳақида дилдан суҳбатлар ўтказиш, театр ва музейларга ташриф буюришимиз, Меҳрибонлик уйлари, “Мурувват ва Саховат” қариялар уйларига бориб, уларнинг ҳолидан хабар олиш каби эзгу ишларни амалга оширмоғимиз лозим.

Л.АБДУҚОДИРОВА,
доцент

ПЛОДОТВОРНАЯ ВСТРЕЧА КОЛЛЕГ

В рамках исполнения Постановления Президента Республики Узбекистан “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования” состоялся визит во вторую клинику Ташкентской медицинской академии ведущих специалистов Российской Федерации в области травматологии и ортопедии.

Нашу столицу посетили ведущие специалисты российского Центрального научно-исследовательского института травматологии и ортопедии (ЦИТиО) имени Н. Приорова в том числе первый заместитель директора, заслуженный деятель науки Российской Федерации, доктор медицинских наук, профессор Николай Еськин и руководитель отделения острой травмы, отличник здравоохранения Республики Узбекистан, доктор медицинских наук, профессор Анатолий Лазарев.




В конференц-зале собралась группа специалистов второй клиники Ташкентской медицинской академии, состоящая из кафедральных сотрудников, врачей отделений травматологии и ортопедии, сотрудников родильного дома, врачей-УЗД, магистрантов и клинических ординаторов. Заседание открыл ректор Ташкентской медицинской академии, доктор медицинских наук, профессор Л. Туйчиев. Он представил гостей из Российской Федерации. Затем состоялись лекции профессора Н. Еськина на темы “Оценка результатов УЗИ дуплексного сканирования венозных тромбозов”, “УЗИ-диагностика периферической нервной системы”, “Ультрасонография крупных суставов”. За-

тем профессором был проведен мастер-класс по применению ультразвуковой диагностики при различных патологиях опорно-двигательной системы. Профессор осмотрел 80 больных.

В операционном блоке клиники профессором А. Лазаревым проведена показательная операция по травме костей таза. После чего он прочитал лекции “Лечение застарелых переломов вертлужной впадины. Особенности эндопротезирования”, “Методы оперативного лечения застарелых переломов различной локализации”, “Причины и профилактика несостоятельности фиксации лобкового симфиза пластинами при нестабильных повреждениях таза”.

Проведенные лекции и мастер-классы вызвали огромный интерес у участников конференции. Гости из России ответили на множество вопросов, касающихся актуальных проблем современной травматологии и ортопедии.

М. КАРИМОВ,
заведующий кафедрой травматологии и ортопедии,
ВПХ и нейрохирургии Ташкентской медицинской академии,
доктор медицинских наук, профессор.



САХИЙ ҚАЛБ СОҲИБИ

Аёлнинг матонати, кучи ва ғайрати, илм-салоҳиятию чексиз меҳр-муҳаббати гоҳида эл хайратига сазовор бўлади. Тарихда бундай жасоратли аёллар кўп ўтган ва уларнинг номи, амалга оширган ишлари доим улуғланган.



Бугунги кунимизга назар ташлайдиган бўлсак, жамият ҳаётида, унинг илгари одимлашида салмоқли ўринга эга, жонкуяр ва юксак илмий салоҳиятли аёллар кўпчилиги ташкил қилади. Чинакам ақл-идрок эгаси ҳеч қачон изланишдан тўхтамайди, улар танилиш ёки шуҳрат қозониш учун эмас, балки илмни, илм орқали билимдон шогирд тайёрлашни билганликлари учун ҳам ҳаётларини шу эътиқодга бахшида этадилар. Булар қаторига тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълоҳисси Муборахон Джалиловна Аҳмедовани қўшиш мумкин.

Аҳмедова Муборахон Джалиловна 1947 йил 15 октябрда Андижон шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топган. 1965 йилда Тошкент Давлат Медицина институти санитария-гигиена факультетига ўқишга кириб, ушбу институтни 1971 йилда имтиёзли диплом билан тугатди.

Ўқишни тугатгандан сўнг Муборахон Тошкент вилояти санитария-эпидемиология станциясининг ўта хавфли касалликлар бўлимига бактериолог лавозимига қабул қилинди. Иш жараёнида бу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини сиңчиқлаб ўрганди. Уларни бартараф қилишнинг ўзига хос йўллари топишга интилди. Муборахондаги интилиш, илмий изланишга мойиллигини сезган устозлари уни эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтига кичик илмий ходимликка қақаришди. Ёш мутахассис бу ерда ўн йил (1973-83-й) меҳнат қилди. 1982 йилда куйдирги касаллиги бўйича номзодлик диссертациясини Москва шаҳрида ҳимоя қилди. Сўнг Тошкент давлат иккинчи тиббиёт институтига юқумли тропик касалликлар кафедрасининг ассистенти лавозимига ишга қабул қилинди. 1991 йилдан 2012 йилгача ТТА юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси мудир бўлиб ишлаш билан биргаликда илмий изланишини давом эттирди. Талабаларга дарс бериш жараёнида кўплаб ўқув қўлланмалари ҳам яратилган муваффақ бўлди. Бу орада Муборахон Джалиловна ўз соҳасининг

билимдони, тажрибали ва малакали мутахассис сифатида олис қишлоқ ва овулларга ҳам бориб, маҳаллий соғлиқни сақлаш ташкилотларига даволаш консултатив ва ташкилий масалаларда амалий ёрдам кўрсатди. Ўзи учун ҳам тиббиётнинг сирли жумбоқларини ечувчи бир мактаб эди, бу хизмат сафарлари ана шу тажрибалар, изланишлар самараси ўлароқ 1994 йил ҳомилдор аёлларда вирусли гепатит В кечиши мавзусида докторлик диссертациясини Москва шаҳрида ёқлади, бир йил ўтиб профессорлик унвонига сазовор бўлган, эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти директори ва ихтисослаштирилган кенгаш раиси лавозимига ишлай бошлади. Таниқли олима, йирик ташкилотчи, моҳир раҳбар, тиббиёт фанлари доктори, профессор Муборахон Джалиловна Аҳмедова Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтига раҳбар бўлиб келганидан кейин институт фаолиятида кескин бурилиш рўй бера бошлади. Институтнинг илмий салоҳиятини ва мавқеини кўтарди. Қисқа вақтда институт ва унинг клиник шифохонаси капитал таъмирланди, янги жиҳозлар ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъмирланди.

Муборахон Джалиловна ёшларга мураббийлик қилиш, ўз билим ва тажрибаларини шогирдларига ўргатишдан чарчамайди. Талабаларга қатор юқумли касалликлар, уларнинг оқибати ва бартараф этиш йўллари ҳақида қизиқарли маълумотлар ўқийди, талабаларни илмий изланишга жалб қилади. Бевосита олима раҳбарлиги остида 2 докторлик, 29 та номзодлик диссертациялари ёқланган. Яна 4 та докторлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилмоқда. Профессор Муборахон Аҳмедова 2 та ўқув адабиёти, 5 монография, 30 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалари, 500 дан ортиқ илмий ишлар муаллифидир.

Профессор М.Д.Аҳмедова Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг юқумли касаллик-

лар соҳасида қилган меҳнатларини тақдирлаб “Соғлиқни сақлаш аълоҳисси” медаллари билан тақдирланган. Унинг номи “Ўзбекистоннинг фидойи аёллари” китобига киритилган. Кўп йиллар давомида Евро-Осиё инфекционистлар жамиятининг вице-президенти, 2006 йилдан Россия Федерациясининг тиббиёт ва техника фанлари академиясининг академиги ҳисобланади. Ҳозирда Тошкент Тиббиёт академиясининг юқумли ва болалар юқумли касалликлар кафедрасида профессор лавозимига ишлаб келмоқдалар.

Устозимиз Муборахон Джалиловна Аҳмедовани аёл олималарнинг алломаси, юксак иқтидор, олий фазилат ҳамда саҳий қалб соҳибси сифатида биламиз. Бу беғараз инсонга шогирд бўлганимиздан Оллоҳга беадад шукрлар қиламиз.

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг қуйидаги мисраларини:

*Тинчлик бермас одадимдан
Озор чексам майлига,
Олов бўлиб бир дам ёнсам
Сўнг ўчсам ҳам майлига.
Ҳар мушкулга бардош берар
Чидар менинг тош бошим,
Аммо секин, тинч яшашга
Сира йўқдир бардошим.*

тиниб-тинчимас, ҳар бир ишни завқ-шавқ билан амалга оширадиган устозимиз Муборахон Джалиловна Аҳмедовага қарата айтилган деб биламиз.

Биз устозимиз Муборахон Джалиловнани моҳир педагог, ўқитибгина қолмай ўқитишни ҳам уддасидан чиқадиган, меҳри тафтидан шогирдларини баҳраманд этадиган инсон деб биламиз ва улар олдида таъзим қиламиз.

Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси ходимлари ва шогирдлари номидан доцент М.КАРИМОВА, ва ассистент Ш.АНВАРОВ

УЛУҒЛАР ЁДИ БУ...

“Тиббиётнома” ойномаси муҳаррири, Республика соғлиқни сақлаш аълоҳисси Қутбиддин Низомов ва Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, тиббиёт фанлари номзоди, Турон Фанлар академияси академиги Алижон Зоҳидий билан суҳбат

– Қутбиддин Низомов: Ўзбек романнавислигининг асосчиси Абдулла Қодирий “Мозийни эслаш – хайрликдир” деган эди. Дарҳақиқат, ўтмишга қараб бугунги кунга баҳо берилади, келажакка режа қилинади. Шу боисдан ҳам жаннатмакон юртимиз олис ва яқин ўтмишини эслаш, буюк ўтмишдошларимиз ва замондошларимиз фаолиятларига ҳолисона баҳо бериш ҳам хайрлик ишлардандир. Муҳтарам Президентимиз томонидан ҳар йили 2 сентябрни Биринчи Юртбошимизни хотирлаш куни деб эълон қилинганлиги мустақил юртимиз фуқаролари томонидан зўр мамнунлик билан кутиб олинди. Республикаимизнинг барча ҳудудларида – вилоят ва туманларда, мактаб ва олийгоҳларда, завод ва фабрикаларда, меҳнат жамоаларида бу тадбир алоҳида эъзоз, алоҳида меҳр билан ўтказилди. 60 дан ортиқ китоблар муаллифи, Республика Ёзувчилар уюшмаси аъзоси сифатида бундай тадбирларнинг тарбиявий, миллий, маънавий аҳамиятини шарҳлаб берсангиз...

– Алижон Зоҳидий: Ўзбекистон мустақиллик туғини қўлига олганига ҳам 26 йил бўлди. Бугунги кунда давлатимиз иккинчи бор уйғониш, яъни Ренессанс даврини бошдан кечирмоқда. Биринчи бор улуғ Амир Темур пароканда бўлган элатларни бошини қовуштириб, улкан иморатлар қуриб, бир қўлида қилич, бошқасида эса адолат билан буюк давлатга асос солган эдилар. Орадан 7 аср ўтиб Биринчи Юртбошимиз И. Каримов сазой-ҳаракатлари билан бошланиб, муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган юксалиш даврини бошдан кечирмоқдамиз. Мактабда ўқиб юрган кезларимиз “Ўзбекистон ССР тарихи” деган китобда келтирилишича Инқилобга қадар ўзбек аҳолисининг 1,5-2,0 % қисмигина саводхон бўлган. Демак, ушбу тарихга ишонадиган бўлсак жаҳонга Ибн Сино, Хоразмий, Бухорий, Самарқандий, Насафий, Марғиновий, Фарғоний, Шо-





ший, Тошкандий, Ургутий, Абдуҳолик Ғиждувоний каби улуғларни етказиб берган ўзбек миллатининг 98% дан кўпи мутлақо бесавод бўлган. Бу мутлақо ақлга сиғмайдиган ҳол – саводсиз халқ орасидан шунча буюкларнинг чиқиши мумкин эмасди. Ана шундай зулматларга, ҳақсизликларга тўлиб-тошган бир даврда Биринчи Юртбошимиз сиёсат майдонига чиқиб, мамлакатимиз узра мустақиллик туғини кўтарди, 70 йиллик қарамлик ва тутқунлик зиндонидан олиб чиқди. Бу жараён албатта инсон кечгани йўқ, кучли сиёсатчи ва иқтисодчи бўлган Юртбошимиз бир неча ўн йиллик келажакни кўра олган ва режасини туза олган зот эдилар. Эсингизда бўлса мустақилликнинг дастлабки йиллари – 91-93 йиллар ўтиш даврини бошдан кечириб, анча мураккабликларни енгиб ўтган эдик. Айнан, олисни кўра олиш лаёқати ўтиш даврнинг талафотларсиз, қурбонларсиз кечишига, улкан давлатимизнинг парчаланиб кетишининг олдини олишга, кейинги йилларда кечган жаҳон иқтисодий таназзулининг республикамизни четлаб ўтишига сабаб бўлди. Оқилона ва одилона олиб борилган сиёсат натижада юртимизда жаҳонни ларзага солиб келаятган диний экстремизм ва ақидапарастлик, маҳаллийчилик, кўпоровчи ғоялар, наркомания ўз таъсирини кўрсата олмади. Демак, сиз билан биз, фарзандларимиз, келажак соҳиб бўлган невараларимизнинг келажак учун ўз саломатлиги, умрини фидо қилган Юртбошимизни ҳар қадамда хотирлаш, руҳини шод этишининг улкан маънавий, ижтимоий аҳамияти бор. Ўзбекистон Қаҳрамони, устози комил Абдулла Ориповнинг “Қонли кўйлак” шеърида болакай: “Онажон, отамнинг ўқ теккан кўйлагин бергин, мен куёшга қадаб қўяй, уни кўриб одамлар дунёдан нелар кечгани билсин, уруш оловлари қайта ёқилмасин”, – дейди. Мен ҳам Биринчи Юртбошимиз ҳақида кўплаб китоблар, хотиротномалар битилиб, ҳар бир уйга кириб боришини, бахтиёрли-

гимиз ва шодмонлигимиз қасрининг меъморлари ким эканлигини ҳамма билишини истар эдим.

– Қутбиддин Низомов: Кафедрангизда ва талабалар турар жойида ўтказган тадбирларингиз орқали Мустақиллик аталмиш улуғ неъматнинг сийрати ва сифатини кўрсатиб бердингиз. Демак ўзбекининг беқлигини дунёга танитган Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобир Мирзо, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Усмон Юсупов, Шароф Рашидов, Ислон Каримов каби улуғларимизни ҳар дамда хотирлаб, шукроналик қилиб туришимиз лозим экан.

– Алижон Зоҳидий: Жаҳонда кечган ижтимоий-иқтисодий инқирозлар курраи-замин аҳлининг катта қисми турмуши сифатига салбий таъсир кўрсатди. Ваҳоланки, 7 миллиард инсон умргузаронлик қилиб юрган курраи-заминда 65 миллионга яқин кўрлар, 87 миллионга яқин қарлар, 100 миллиондан ортиқ шоллар ва 1 миллиарддан ортиқ очлар, 1 миллиарддан зиёд бошланасизлар бор. Юртимизда кечган оқилона ва одилона сиёсат туфайли, Биринчи Юртбошимизнинг описларни кўра олиш лаёқати туфайли биз бу жараёнларни фақат интернет ва ойна жаҳонда кўрдик, холос. Йиллар ўтиб ҳали улар ўз ҳосилини беради, юртимиз ҳақиқий Ренессанс даврини бошдан кечирганлигини жаҳон афкор оммаси кўради. Мана, буюк ўтмишдошларимизнинг муносиб меросҳўрлари, спортнинг шахмат, бокс, каратэ бўйича жаҳон чемпионолари ҳам чиқиб Ватан байроғини баланд кўтармоқдалар, яқин йилларда Нобель мукофоти совриндорлари ҳам етишиб чиқади, зеро бунинг учун диёримизда барча шарт-шароитлар мавжуд.

– Қутбиддин Низомов: Мўйсафид тарихнинг жимит бўлаги – 26 йил ичида Ўзбекистон Республикаси ўзининг барча кўрсаткичлари бўйича жаҳон андозалари даражасига чиқиб улгурди. Бизга мана шундай ёруғ кунларни инъом этиш учун ўз ҳиссасини қўшган улуғларимизни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин!



Профессор Башир Ҳикматуллаевич Магзумов таваллудининг 100 йиллиги олдидан ОДДИЙ ҚИШЛОҚ ШИФОКОРИДАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИГАЧА ...

Атоқли олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, соғлиқни сақлаш ташкилотчиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Магзумов Башир Ҳикматуллаевич 1917 йил 1 октябрда Тошкент шаҳрида Шофайз маҳалласида, хизматчи оиласида дунёга келган. Бутун умрини тиббиёт соҳасига бағишлаб яшаган десак муболаға бўлмайди. Уларнинг сермазмун ҳаётини жуда кўп турли тарихий саналар билан ифодалаб беришимиз мумкин.

Б. Магзумов мактаб давридаёқ ўзининг тенгдошларидан билимга чанқоқлиги, ташаббускорлиги, зеҳни ўткирлиги билан ажралиб турар эди. 1930 йилда мактабни тугатган Тошкентдаги махсус тиббиёт билим юртида тахсил олган. Шу билим юртида ўқиб юрганда унда тиббиётга қизиқиш пайдо бўлган. Шунинг учун Башир Ҳикматуллаевич 1936 йилда Тошкент тиббиёт институтида ўқишни давом эттирганлар ва талабалар давридан Тошкент шаҳридаги 4-сонли болалар поликлиникасида мактаб шифокори сифатида ўз меҳнат фаолиятини бошлаганлар. Институтни тугатиш даври уруш даврига тўғри келган эди, уларнинг икки акиси кетма-кет урушга кетишган. Оилада кекса ота-онаси, кичик укаларига бош бўлиб қолишига қарамасдан, ёш мутахассис ота-онанинг оқ фотиҳасини олиб йўлланма бўйича Сирдарё вилоятининг Боёвут кишлоғидаги участка касалхонасига ишга кетадилар. Қишлоқ шифохонасининг оддий шифокори сифатида ўз вазифасига сидқидил билан ёндашади ва ҳамкасблари билан биргаликда Боёвут туман кишлоқларида кенг тарқалган безгак, ичкетар, кўтир, ич терлама ва паразитар касалликларига қарши қишлоққа кишлоқ пиёда юриб даволаш ва профилактика ишларини олиб борганлар. Шаҳардан борган ёш мутахассис бу қийинчиликлардан кўрқмасдан, кўп йиллардан бери шу касалхонада ишлаб келаётган шифокорлар билан ёнма-ён юриб, институтда олган билимларини амалиётда қўллаб ўз тажрибасини орттиришга ҳаракат қилди. Ушбу касалхонада бош шифокор лавозимида ҳам иш олиб бордилар. Иш жараёнида улар ўзларининг ташкилотчилик фазилатларини, тиббиёт соҳасидаги чуқур билимларини амалиётда кўрсата олди. Улардаги ташаббускорлик, ташкилотчилик, қатъият, ишга бўлган масъулият каби фазилатларни кўрган шу соҳада ишлаб юрган раҳбарлар уни қисқа вақт ораллигида Сирдарё тумани соғлиқни сақлаш бўлимига бошлиқ қилиб тайинлашади. Ўша пайтда Башир Ҳикматуллаевич 25 ёшда бўлган эдилар. Шу лавозимда Башир Ҳикматуллаевич ўзининг ишга бўлган



муносабатини, бошқариш қобилиятини, ташкилотчилик кўникмаларини яққол кўрсатади. Улар фақатгина туман марказидаги иш билан чегараланмай, атрофдаги барча қишлоқларда яшовчи аҳолига тиббий хизмат кўрсатадиган даволаш муассасалари учун бинолар қуриш, тиббиёт ходимлари билан таъминлаш, туман аҳолисини безгакка қарши эмлаш, болаларни эса қизамиқ ва чечакка қарши эмлаш, қишлоқларда санитария-эпидемиология хизматини йўлга қўйиш муаммоларини ечиш борасида ўз меҳнатини аямаганлар. Ёш ташкилотчининг қилган ишларини раҳбарият ҳам тўғри баҳолаб уни тез орада Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи лавозимида тайинлашади. Ушбу лавозимда Башир Ҳикматуллаевич 8 йилгача ишлаб келди ва ўзининг маҳоратини, кўлидан нималар келишини амалий ишлар билан янада исботлаб берди. Сўнг Б. Магзумов Республика сил касаллигига қарши кураш диспансерида бош шифокор қилиб тайинланди. Бу жойда Башир Ҳикматуллаевич ташкилий ишлари билан баробар ушбу диспансерда кичик илмий ходим бўлиб туриб ўз илмий ишини бошлади ва 1959 йилда "Ичак сили"

мавзуси бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Тажрибали ташкилотчи, ўз ишини юқори даражада бажарадиган мутахассисни раҳбарият кетма-кет амалий, илмий, услубий ишларини бир тизимга қўйиб бериш учун Санитария, Гигиена ва касб касалликлари, Тошкент зардоб ва вакцина тайёрлаш илмий-текшириш институтларига директор лавозимида муносиб кўришади. Директор лавозимларида ишлаган даврида Башир Ҳикматуллаевич ўзининг ишчанлиги, принципааллиги, ўзи ва атрофдагиларга талабчанлиги, ташкилотчилиги, ўз касбига вафодорлиги билан ажралиб турарди. Башир Ҳикматуллаевич ўзининг вазифаларини аъло даражада бажариб қолмай, тиббиёт соҳасидаги жаҳон ютуқлари, тажрибаларини ўрганиб уларни институт фаолиятида, ўтказилаётган илмий изланишларда қўллашга интилди. Ушбу ҳаракатларни ижобий баҳолаган Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди раҳбарлари Башир Ҳикматуллаевични бошида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари ва бир йилдан кейин вазир этиб тайинлашди.

Давоми 5-бетда.

Давоми. Боши 4-бетда.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида ишлаган йиллари Башир Ҳикматуллаевич Магзумов ўзининг амалий фаолиятида орттирилган йигирма йиллик ҳаётий тажрибага суяниб аввало республика аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш, даволаш-профилактика ишлари сифатини ошириш, тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, илмий изланишлар ва тадқиқотларни чуқурлаштириш, бошқа республикалар олимлари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ишларига жудаям катта эътибор берганлар. Ўша йиллари соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базаси деярли талабга жавоб бермасди. Даволаш-профилактик муассасалар, айниқса вилоят ва туманларда, кадрлар тайёрланадиган билим юртлари, илмий-текшириш институтлари аксарияти мослаштирилган биноларда жойлашган эди. Шуларни эътиборга олган вазир, соғлиқни сақлаш тизимининг базасини мустаҳкамлашга қаратилган режалар тузган ва Ўзбекистонда иттифоқлараро экспериментал жарроҳлик институтининг филиалини, Тошкент шаҳрида эпидемиология илмий-текшириш институти, Андижонда 500 ўринли вилоят касалхонаси, Наманганда силга қарши кураш диспансери, Тошкентда шаҳар касалхонаси, Тошкент давлат тиббиёт институтининг морфология корпуси ва бир қатор даволаш муассасалари, санаторий-профилакторий бинолари қурилишига катта ҳиссасини қўшган. Айрим шифохоналар ва диспансерларнинг лойиҳасини тайёрлаш, қурилиш жараёнларида бевосита иштирок этган эканлар. Шунинг учун уларни дўстлари, сафдошлари ҳазиллашиб "курувчи министр" дейишар экан.

Шуни таъкидлаш жоизки, вазир сифатида Б.Ҳ.Магзумов Қорақалпоғистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган. Чунки бу ҳудудда ўша пайтларда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси ўта паст, касалликлар даражаси жудаям юқори, айниқса юқумли касалликлар, қолаверса ўта хавфли касалликлар кенг тарқалган эди. Унинг раҳбарлигида Нукус шаҳрида лепрани (моховни) ўрганишга қаратилган дерматовенерология илмий-тадқиқот институтининг филиали ташкил этилишига фаоллик қилганлар, ушбу институтда олиб борилган изланишлар республика ҳудудида моховни бартараф этишга имкон берди. 1965 йилда Хоразм вилояти-

да ва Қорақалпоғистон Республикасида вабо эпидемияси билан курашиш учун ташкил этилган штабнинг бошлиғи бўлиб ушбу касалликни йўқ қилишда бевосита иштирок этди.

1966-1968 йй. Б.Ҳ.Магзумов Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти директори, кейинчалик илмий ишлар бўйича директор муовини вазифасини бажариб келди. Ушбу лавозимда улар нафақат ташкилотчи, моҳир бошқарувчи, балки илм соҳасида ҳам ўзининг чуқур билимлар эгаси эканлигини исботлаб берди. Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида ишлаган кезлар олим томонидан ва унинг бевосита раҳбарлиги остида инсон саломатлигини яхшилашга қаратилган санитария-гигиеник изланишлар жадаллаштирилиб, ушбу изланишларнинг натижалари номзодлик ва докторлик диссертацияларда, илмий, илмий-амалий, услубий йўриқномаларда ўз аксини топган ва республика соғлиқни сақлаш амалиёти санитария-гигиеник соҳасида кенг қўлланиб борган. Б.Ҳ.Магзумов асосий иши билан баробар докторлик диссертацияси бўйича изланишлар олиб борган ва 1967 йилда "Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятларида вабо тарқалишини бартараф этиш тажрибаси" мавзуси бўйича докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилганлар.

Б.Ҳ.Магзумов ҳаётининг қолган йиллари ўқув, ўқув-услубий, илм-фан йўналиши билан бевосита боғлиқ бўлди. Чунки улар ўттиз йил борасида биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти "Ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш" кафедрасида устозлик қилиб, минглаб талабаларга амалиётда орттирган билим ва тажрибаларини ўргатиб келган. Башир Ҳикматуллаевич 20 йилдан ортиқ (1969-1991йй.) кафедра мудирини бўлиб ушбу кафедранинг бошқариб келганлар. Кафедранинг нуфузини ошириш борасида олиб борган фаолиятида барча республикалардаги энг машҳур олимлар, яъни Ю.П. Лисицын, А.В. Серенко, О.В. Гринина, Я.С. Миндлин, В.З. Кучеренко, Л.Г. Розенфельд, М.А. Подлужная ва бошқалар билан алоқаларни кенгайтирди ва мустаҳкамлади. Бир вақтнинг ўзида (1970-1978йй.) ушбу институтнинг санитария-гигиена факультетининг декани эди. Бу ерда ҳам ишига сидқидилдан ёндашиб нафақат кафедранинг, балки бутун санитария-гигиена факультетининг ўқув-методик ва илмий базасини ривожлантиришга катта эътибор қаратди.

Кўп йиллар давомида Башир Ҳикматуллаевич "Ижтимоий гигиенист ва соғлиқни сақлаш ташкилотчилари" илмий жамиятнинг, "Ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш" ихтисослаштирилган илмий кенгашининг, ушбу ихтисос бўйича муаммолари ва методик комиссия раиси бўлиб келди. Институтда фаолият кўрсатган йиллар мобайнида Башир Ҳикматуллаевич республика ва бошқа республикалар учун қўллаб соғлиқни сақлаш ташкилотчиларини тайёрлаб берганлар.

Башир Ҳикматуллаевични нафақат моҳир бошқарувчи, ташкилотчи, балки "Ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш" йўналиши бўйича илм-фанни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган билимдон олим деб билишади. Улар ўзларининг "илмий мактабини" яратган бўлиб, уларнинг раҳбарлигида 6 докторлик ва 28 номзодлик диссертациялар ҳимоя қилинган. Улар 120 дан ортиқ илмий, илмий-амалий, ўқув-услубий рисоалар, шунингдек 2 монография, 450 дан ортиқ илмий мақолаларни марказий ва маҳаллий матбуотда чоп этганлар.

Б.Ҳ. Магзумов меҳнат фаолиятининг ярим қисми ташкилотчилик лавозимларида, яъни педагогик, илмий жараёнларда қилган ишлари ҳукумат томонидан муносиб баҳолашиб, кўплаб орден ва медаллар, фахрий ёрликлар, тўрт марта Хурмат белгиси ордени, "ЎзССРда хизмат кўрсатган врач" унвони билан тақдирланган.

Башир Ҳикматуллаевич Магзумовни хотирлаб ёзган мақолаларида устозларимиз К.А.Зуфаров, Т.И.Искандаров, Э.А.Турсуновлар – илдизи ер остига чуқур кетган, танаси бақувват, сершоҳ ва баланд дарахтга қиёслашган. Тиббиётни ривожлантириш, республика аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш йўлидаги ярим асрлик меҳнатлари шу дарахтнинг шохлари бўлса, шогирдлари эса шохлардаги мевалар, бугун оталари ишини давом эттираётган фарзандлари, набиралари азим дарахтнинг ҳаётибахш илдизлари, ўзларидан қолдирган илмий ишлари ва мақолалар дарахтнинг шох ва меваларига куч бағишлаётган мағрур танаси.

Башир Ҳикматуллаевич Магзумовнинг ёрқин хотираси тиббиётимиз ходимлари, ҳамкасблари ва шогирдларининг хотирасида абадий сақланади.

Х. РУСТАМОВА,
Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси мудирини т.ф.д., профессор

